# V. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2019 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 29885,1 млрд. сўмлик, (доллар эквивалентида 3,6 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилга нисбатан 129,9 % га асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

*Ўзбекистон Республикаси бўйича 2019 йилнинг жорий ҳисобот даврида асосий капиталга инвестицияларнинг юқори кўрсаткич 29,9 % ўсиши қайд этилди. Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишига Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолати асосида чет эл инвестициялари ва кредитларининг юқори ўсиш суръатлари асосий сабаб бўлиб ҳисобланиб, жами инвестициялар ҳажмининг - 25,3 % ни ташкил этди.*

Жорий йилда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишига катта ҳисса қўшган Давлат ривожланиш дастурига киритилган ***йирик инвестиция лойиҳалари*** қуйидагилар:

***Тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё комплекси қурилиши;***

***Навоий иссиқлик электр станциясида 450 MVt кувватли 2 буғ-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари;***

***Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт дан бўлган икки буғ-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;***

***Тахиатош иссиқлик электр станциясида 230-280 МВт кувватли иккита буғ-газ қурилмаси қурилиши;***

***Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши;***

***Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириш Бухоро вилояти;***

***Хисор инвестиция блоки ва Устюрт худудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил этиш.***

*ЯИМ га нисбатан асосий капиталга инвестициялар – 32,8 % ни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос давридаги кўрсаткичига нисбатан 4,4 % пунктга ўсиш.*

**Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари**




2019 йилнинг январь-мартида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни 75,6 % и Республиканинг олтита худудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 19,6 %, Қашқадарё вилоятида – 17,4 %, Навоий вилоятида – 15,4 %, Наманган вилоятида –9,8%, Тошкент вилоятида – 8,3 %, ва Бухоро вилоятида – 5,1% ўзлаштирилди.

Қатор ҳудудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Навоий вилоятида ўтган йилга нисбатан 2,1 марта, (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 4597,5 млрд. сўм), Қашқадарё вилоятида 2,1 марта (5190,8 млрд. сўм), Наманган вилоятида – 186,0 % (2941,5 млрд. сўм), Тошкент шаҳрида – 122,5 % (5853,7 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси – 136,3 % (1328,8 млрд. сўм), Жиззах вилоятида – 136,3 % (753,6 млрд. сўм), Андижон вилоятида – 121,6 % (1113,5 сўм) ва Фарғона вилоятида – 107,8 % (1110,4 млрд. сўм).

## Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар




2019 йилнинг январь-мартида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида – 4686,1 минг сўм (ёки 2018 йилга нисбатан 2,1 марта), мос равишда Тошкент шаҳрида – 2326,2 минг сўм (ёки 120,2 %), Қашқадарё вилоятида – 1612,3 минг сўм (ёки 2,0 марта), Наманган вилоятида – 1066,5 минг сўм (ёки 182,3 %), Тошкент вилоятида – 853,1 минг сўм (ёки 141,0 %), Қорақалпоғистон Республикасида – 709,6 минг сўм (ёки 135,1 %), Бухоро вилоятида – 805,9 минг сўм (ёки 49,2 %), ва Жиззах вилоятида – 556,0 минг сўм (ёки 133,5 %) қайд этилди.

## Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

*(2019 йил январь-март учун)*

| | *Млрд. сўм* | *Ўсиш суръати, % да* | *Жамига нисбатан % да* |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга инвестициялар** | **29 885,1** | **129,9** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| **Марказлашган инвестициялар** | **12 491,8** | **3,0 м.** | **41,8** |
| бюджет маблағлари | 2 093,3 | 3,1 м. | 7,0 |
| сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси | 126,1 | 186,8 м. | 0,4 |
| жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси | 12,1 | - | 0,1 |
| тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | 2 703,9 | 2,0 м. | 9,0 |
| Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар | 7 556,4 | 3,6 м. | 25,3 |
| **Марказлашмаган инвестициялар** | **17 393,3** | **92,1** | **58,2** |
| корхона маблағлари | 6 214,3 | 93,3 | 20,8 |
| аҳоли маблағлари | 3 627,1 | 109,6 | 12,1 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | 2 431,4 | 78,2 | 8,1 |
| бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар | 555,9 | 195,5 | 1,9 |
| тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 4 564,6 | 82,7 | 15,3 |

## Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, *% да*



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2018 йилга нисбатан 3,0 марта ёки 12491,8 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 41,8 % ни ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 23,9 % пунктга кўп) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 17393,3 млрд. сўм ёки 92,1 % (58,2 %).

**Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари**




2018 йилнинг мос даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар улуши 16,1% пунктга ўсди.

**Жорий йил давомида қуйидаги йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолати асосида чет эл инвестициялари ва кредитларининг юқори ўсиш суръатларига эришишига асосий сабаб бўлиб ҳисобланади:**

*Тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё комплекси қурилиши;*

*Навоий иссиқлик электр станциясида 450 MVt қувватли 2 буғ-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари;*

*Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт дан бўлган икки буғ-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;*

*Поп-Наманган-Андижон темир йўл участкаларини электрлаштириш;*

*Поп-Қўқон-Андижон участкасини электрлаштириш билан бирга Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линияларини қурилиши;*

*“Шарғункўмир” АЖ кўмир қазиб олиш лойиҳавий қувватини йилига 900 минг тоннага етказиш учун модернизация қилиш;*

*Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида канализация тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш;*

*Сирдарё вилояти Боёвут, Ховост, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманлари аҳоли яшаш пунктларида ва туман марказларида сув таъминоти тизимини такомиллаштириш;*

*Бухоро вилояти Олот, ҳамда Қоракўл туманларида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш;*

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2703,9 млрд. сўмни (доллар эквивалентида 322,7 млн. АҚШ доллар) ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 мартага кўпайди.

**Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган энг катта инвестиция лойиҳалари қуйидагилар:**

*Тахиатош иссиқлик электр станциясида 230-280 МВт қувватли иккита буғ-газ қурилмаси қурилиши;*

*Навоий иссиқлик электр станциясида 450 MVt қувватли 2 буғ-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари;*

*Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт дан бўлган икки буғ-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;*

*"Ауминсо-Амантой конлари" да олтин-маъданли конларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича конларни қуриш (ГМЗ-5) (I-II босқич);*

*Тошкент вилояти (Олмалиқ шаҳри) да Ёшлик 1 конини ўзлаштириш;*

*“Мурунтау” карьерига ишлов бериш (V босқич):*

## Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари




Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 20,8 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (15,3 %) ҳисобига тўғри келди

***Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган йирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси:***

*Дастур бўйича “Ўзшаҳарқурилиш инвест” ИК томонидан шаҳар жойларда арзон кўп қаватли турар жойлар қурилиши.*

***Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига қуйидаги йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди:***

*Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши;*

*Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек Кувачи-Олот конларини кенгайтириш Бухоро вилояти;*

*Хисор инвестиция блоки ва Устюрт ҳудудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил этиш;*

*ОАЖ"Unitel" хорижий компанияси томонидан Тошкент шаҳрида уяли алоқа тизимини кенгайтириш;*

*ОАЖ"Indorama Agro" хорижий компанияси томонидан Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида пахта текстил кластери кўринишида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш*

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби**




Жорий даврда иқтисодиётнинг нодавлат сектори инвестициялари ҳажми 2018 йилнинг мос даври кўрсаткичига нисбатан 41,6 % пунктга ўсди. Ўзбекистон Республикаси бўйича жами инвестициялардаги нодавлат секторининг улуши – 79,6 % ни ташкил этди, жумладан, Қашқадарё вилоятида – 98,1 % га етди, Наманган вилоятида – 95,0 %, Тошкент шаҳрида – 90,8 %, Андижон вилоятида – 85,5 %, Фарғона вилоятида – 85,0 %, Бухоро вилоятида – 83,8 %, Қарақалпоғистон Республикасида – 81,5 % ва Тошкент вилоятида – 81,6 % ни ташкил этди.

## Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

| | *Жами инвести-циялар, млрд. сўм* | *шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (жами нисбатан, %)* | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *Республика бюджети* | *сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси* | *Корхона ва аҳоли маблағи* | *Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари* | *Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар* | *Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида хорижий кредитлар* | *бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар* | *Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси* | *жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси* |
| **Ўзбекистон Республикаси[1)]** | **29 885,1** | **7,0** | **0,4** | **32,9** | **15,3** | **8,1** | **25,3** | **1,9** | **9,0** | **0,1** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1 328,8 | 14,2 | 0,1 | 30,9 | 14,8 | 5,2 | 26,7 | 0,4 | 7,1 | 0,6 |
| *вилоятлар:* | | | | | | | | | | |
| Андижон | 1 113,5 | 9,9 | 0,1 | 38,7 | 13,9 | 18,9 | 3,1 | 15,4 | - | - |
| Бухоро | 1 529,2 | 5,0 | 0,4 | 30,7 | 15,2 | 21,7 | 9,5 | 17,5 | - | - |
| Жиззах | 753,6 | 16,7 | 5,5 | 41,4 | 17,3 | 10,6 | 8,2 | 0,3 | - | - |
| Қашқадарё | 5 190,8 | 1,3 | 0,1 | 17,3 | 2,7 | 6,7 | 71,9 | 0,0 | - | - |
| Навоий | 4 597,5 | 0,9 | 0 | 22,5 | 3,4 | 0,9 | 43,8 | 0 | 28,5 | 0,0 |
| Наманган | 2 941,5 | 2,9 | 0,2 | 17,9 | 11,3 | 4,1 | 28,7 | 0,2 | 34,7 | - |
| Самарқанд | 905,0 | 18,6 | 2,1 | 51,0 | 18,2 | 1,5 | 7,9 | 0,7 | - | - |
| Сурхондарё | 1 019,4 | 11,0 | 1,1 | 39,0 | 31,2 | 7,7 | 9,5 | 0,2 | - | 0,3 |
| Сирдарё | 519,8 | 15,1 | - | 40,2 | 33,8 | 1 | 9,7 | 0,2 | - | - |
| Тошкент | 2 476,3 | 15,0 | 0,1 | 38,7 | 14,8 | 17,5 | 2,4 | 0,3 | 11,2 | - |
| Фарғона | 1 110,4 | 11,3 | 0,5 | 46,0 | 19,8 | 19,1 | 0,1 | 3,2 | - | - |
| Хоразм | 495,7 | 11,4 | 0,9 | 51,8 | 24,9 | 3,1 | 6,2 | 1,7 | - | - |
| Тошкент ш. | 5 853,7 | 7,5 | 0,3 | 50,5 | 31,7 | 8,1 | 1 | 0,9 | 0 | - |

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда*

### Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби
*(2019 йил январь-март)*

| | *Жами* | *Давлат* | *Нодавлат* |
|---|---|---|---|
| **Жами, *млрд. сўм*** | **29 885,1** | **100,0** | **100,0** |
| *шу жумладан жамига нисбатан % да:* | | | |
| Қурилиш – монтаж ишлари | 12 081,0 | 46,8 | 38,8 |
| Машина, ускуна, инвентар | 14 905,6 | 50,5 | 49,7 |
| Бошқа харажатлар | 2 898,5 | 2,7 | 11,5 |

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Республика бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 40,4 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 49,9 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши – 9,7 % ни ташкил этди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар
*(2019 йил январь-март)*

| | *Млрд. сўм* | *Жамига нисбатан % да* | |
|---|---|---|---|
| | | *2018 й. Январь-март* | *2019 й. Январь-март* |
| **Асосий капиталга инвестициялар - жами** | **29 885,1** | **100,0** | **100,0** |
| *Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:* | | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2 279,2 | 10,5 | 7,6 |
| Тоғ - кон саноати | 2 030,9 | 18,6 | 6,8 |
| Ишлаб чиқариш саноати | 5 545,0 | 19,7 | 18,5 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 8 236,1 | 9,0 | 27,6 |
| сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 291,9 | 1,1 | 1,0 |
| қурилиш | 910,1 | 3,3 | 3,0 |

| | Млрд. сўм | Жамига нисбатан % да | |
|---|---|---|---|
| | | 2018 й. Январь-март | 2019 й. Январь-март |
| улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш | 917,6 | 5,1 | 3,1 |
| Ташиш ва сақлаш | 1 294,6 | 4,9 | 4,3 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича ҳизматлар | 294,0 | 0,9 | 1,0 |
| Ахборот ва алоқа | 457,1 | 0,9 | 1,5 |
| Молия ва суғурта фаолияти | 209,2 | 1,9 | 0,7 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 396,0 | 1,5 | 1,3 |
| Таълим | 618,9 | 0,4 | 2,1 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 489,3 | 1,2 | 1,6 |
| Саънат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳаси | 225,6 | 0,5 | 0,8 |
| Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар | 4 323,5 | 16,0 | 14,5 |
| Бошқа фаолият турлари | 1 366,1 | 4,5 | 4,6 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 2279,2 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 7,6 %), шу жумладан тоғ – кон саноатида 2030,9 млрд. сўм (6,8 %), хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 1257,8 млрд. сўм (4,2 %), ишлаб чиқариш саноатида 5545,0 млрд. сўм (18,5 %), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 476,8 млрд.сум (1,6 %), текстиль махсулотларни ишлаб чиқариш 970,9 млрд.сумм (3,3%), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 1182,1 млрд. сўм (4,0 %), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 726,3 млрд. сўм (2,4 %), металлургия саноатида 1093,7 млрд. сўм (3,7 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 8236,1 млрд. сўм, (27,6 %), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 291,9 млрд. сўм, (1,0 %), қурилиш фаолияти турида 910,1 млрд. сўм (3,0 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 1294,6 млрд. сўм

(4,3%), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 917,6 млрд. сўм (3,1 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 457,1 млрд. сўм (1,5 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 396,0 млрд. сўм (1,3 %), таълим соҳасида 618,9 млрд. сўм (2,1 % ), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 4323,5 млрд. сўм (14,5 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

**2019 йилнинг январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби**



**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби**
*(2019 йил январь-март)*

| | *Корхона ва ташкилотларни кенгайтириш, реконструция, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш* | |
|---|---|---|
| | *Хажм, млрд.сум* | *Жамига нисбатан, %да* |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **7 911,3** | **100,0** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 133,8 | 1,7 |
| *вилоятлар:* | | |
| Андижон | 605,7 | 7,7 |
| Бухоро | 387,0 | 4,9 |
| Жиззах | 223,8 | 2,8 |
| Қашқадарё | 259,1 | 3,3 |
| Навоий | 2 381,5 | 30,1 |
| Наманган | 379,0 | 4,8 |
| Самарқанд | 285,4 | 3,6 |
| Сурхондарё | 450,3 | 5,7 |
| Сирдарё | 148,7 | 1,9 |
| Тошкент | 661,2 | 8,4 |
| Фарғона | 461,1 | 5,8 |
| Хоразм | 154,7 | 2,0 |
| Тошкент ш. | 1 363,1 | 17,2 |

Асосий капиталга инвестицияларнинг тарор ишлаб чиқариш таркибида республика бўйича янги қурилишнинг улуши – 59,3 %, кенгайтириш, реконструция, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантиришга харажатларнинг улуши – 26,5 %, бошқа йўналишларга харажатлар улуши эса – 14,2 % ташкил этди.

## Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби




*Корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, ҳамда кенгайтиришга инвестициялар ҳажми 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 97,0 % га ошди.*

*Ўзбекистон Республикаси асосий капиталга инвестициялар бўйича корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, ҳамда кенгайтиришга инвестициялар улуши – 26,5 % ни ташкил этди, жумладан, Андижон вилоятида – 54,4 % етди, Навоий вилоятида – 51,8 %, Сурхандарё вилоятида – 44,2%, Фарғона вилоятида – 41,5%, Самарқанд вилоятида – 31,5% ва Хорезм вилоятида – 31,2% ташкил қилди.*

## Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2019 йилнинг январь-мартида 10543,7 млрд. сўм (доллар эквивалентида 1,3 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 191,2 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 35,3 % ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Қашқадарё вилоятида (38,7 %), Навоий вилоятида (19,5 %), Тошкент шаҳрида (9,6 %) ва Наманган вилоятида (9,2 %) кузатилди.

## Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, кредитларни қўшган ҳолда

| | *Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм* | | *Хорижий инвестициялар, нисбатан % да* | |
|---|---|---|---|---|
| | *жами* | *шу жумладан, кредитлар* | *жамига* | *асосий капиталга инвестициялар* |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **10 543,7** | **8 112,3** | **100,0** | **35,3** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 429,6 | 359,9 | 0,9 | 6,9 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 415,5 | 204,8 | 3,9 | 37,3 |
| Бухоро | 744,2 | 411,6 | 6,8 | 46,8 |
| Жиззах | 143,7 | 63,9 | 1,2 | 17,0 |
| Қашқадарё | 4 084,2 | 3 737,4 | 38,7 | 78,7 |
| Навоий | 2 052,6 | 2 012,8 | 19,5 | 44,6 |
| Наманган | 968,9 | 849,3 | 9,2 | 32,9 |
| Самарқанд | 90,7 | 77,4 | 0,4 | 4,6 |
| Сурхондарё | 177,4 | 99,0 | 1,7 | 17,4 |
| Сирдарё | 57,0 | 51,8 | 0,5 | 11,0 |
| Тошкент | 498,5 | 65,8 | 4,7 | 20,1 |
| Фарғона | 248,6 | 36,5 | 2,4 | 22,4 |
| Хоразм | 53,9 | 38,6 | 0,5 | 10,9 |
| Тошкент ш. | 578,8 | 103,4 | 9,6 | 17,3 |

2019 йилнинг январь-мартида ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМ га нисбати 11,6 % ни ташкил этиб, ўтган йилниг мос даврига нисбатан 4,8 % пунктга кўпайди.

**Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш**
*( млн. АҚШ долл. )*




Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 1258,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 290,2 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 23,1 % ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2019 йилнинг январь-мартида 2431,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 78,2 % ни ташкил қилди.

*2019 йил январь-март ойларида тўғридан-тўғри инвестицияларининг ЯИМ даги улуши 2,7 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 пунктга камайди.*

## Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби




Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар кам ўзлаштирилди: хом нефть ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турига жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 8,4 % ни ташкил этиб, 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 38,3 % пунктга, мос равишда ташиш ва сақлаш 1,4 % ни ташкил этиб (0,8 % пунктга), сув билан таъминлаш, канализация фаолият тури 1,6 % ни ташкил этиб (1,6 % пунктга) камайди.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турларига хорижий инвестиция ва кредитлар: тўқимачилик махсулотлари ва кийим-кечак ишлаб чиқариш фаолитида 3,1 % (0,8 % пунктга), ахборот ва алоқа 1,9% (0,3 % пунктга), озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолитида фаолиятида 1,1 % (0,6 % пунктга) кўпайди.

### Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

Жами асосий капиталга инвестицияларда турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 4323,5 млрд. сўмни ёки жами инвестициялар ҳажмида 14,5 % ни ташкил этди.

## Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

| | *Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан:* | | | |
|---|---|---|---|---|
| | *Ишга туширилди* | | *2018 йил мос даврига нисбатан % да* | |
| | *жами* | *жумладан қишлоқ жойларда* | *жами* | *жумладан қишлоқ жойларда* |
| Турар жойлар умумий майдони, *минг кв.м.* | 2 336,8 | 1 489,8 | 125,0 | 129,6 |
| *улардан:* | | | | |
| якка тартибдаги турар жойлар | 2 159,1 | 1 373,7 | 128,0 | 139,9 |
| намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар | 171,9 | 116,0 | 102,0 | 69,6 |
| Касалхоналар, *ёток* | - | - | - | - |
| Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), *қатнов* | - | - | - | - |
| Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, *ўқувчи ўрни* | - | - | - | - |
| Умумтаълим ва ихтисослаш-тирилган мактабларни капитал тамирлаш, бирлик | - | - | - | - |
| Сув тармоғи, *км* | 328,4 | 301,8 | 2,2 м. | 2,4 м. |
| Газ тармоғи, *км* | 15,2 | 12,3 | 51,2 | 56,2 |

2019 йилнинг январь-мартида умумий майдони 2336,8 минг кв.м (2018 йилнинг мос даврига нисбатан 125,0 %) бўлган 15,1 минг хонадонга эга 17,0 минг турар жойлар, жумладан 1489,8 минг кв.м. (129,6 %) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

Коммунал соҳа объектлари қурилишида 328,4 км сув тармоғи ишга тушурилди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 2,2 марта кўпайди, мос равишда 301,8 км қишлоқ жойларга (ёки 2,4 марта) тўғри келди. 15,2 км газ тармоғи ишга туширилиб, ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 51,2 % ни ташкил этди, мос равишда 12,3 км қишлоқ жойларга (ёки 56,2%) тўғри келди.

### Фойдаланишга топширилган турар жойлар
*(2019 йил январь-март учун)*

| | *Ишга туширилди, жами* | | *Улардан: якка тартибдаги турар жойлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *минг кв.м* | *2018 йил январь-март % да* | *минг кв.м* | *2018 йил январь-март % да* |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **2 336,8** | **125,0** | **2 159,1** | **128,0** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 216,4 | 106,4 | 216,4 | 115,6 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 83,3 | 90,5 | 83,2 | 126,1 |
| Бухоро | 191,0 | 3,0 м. | 191,0 | 3,8 м. |
| Жиззах | 118,3 | 108,0 | 118,3 | 109,4 |
| Қашқадарё | 221,6 | 104,1 | 179,5 | 89,9 |
| Навоий | 99,3 | 124,4 | 92,6 | 128,6 |
| Наманган | 152,6 | 115,2 | 114,4 | 99,6 |
| Самарқанд | 172,5 | 143,2 | 112,2 | 109,5 |
| Сурхондарё | 210,5 | 148,6 | 2,1 м. | 149,2 |
| Сирдарё | 44,6 | 2,8 м. | 32,2 | 2,5 м. |
| Тошкент | 292,5 | 113,1 | 2,9 м. | 127,1 |
| Фарғона | 245,0 | 133,9 | 2,3 м. | 152,9 |
| Хоразм | 96,5 | 81,8 | 96,5 | 81,8 |
| Тошкент ш. | 187,0 | 141,9 | 187,0 | 141,9 |

Умумий майдони 2159,1 минг кв.м. ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 128,0 % якка тартибда қурилган турар жойлар ишга туширилди.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар қурилиши бўйича Давлат дастурининг бажарилиши натижасида 2019 йил январь-мартида умумий майдони 171,9 минг кв.м. бўлган 0,8 минг турар жой, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,0 % турар жойлар қурилиши якунланди.

Касалхоналар, амбулатор-поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиши ва реконструкцияси учун 154,7 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу соғлиқни сақлаш фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 31,6 % ини ташкил этди.

Касб-хунар коллежлари қурилиши ва реконструкциясига 16,7 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган инвестицияларнинг 2,7 % ини ташкил этди.

Таълим жараёнини сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган чора тадбирлар натижасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилиши ва реконструкцияси учун жами 108,0 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 17,5 % ини ташкил этди.

Сув тармоғи қурилишида 97,3 млрд. сўм, газ тармоғлари қурилишида 1,3 млрд. сўм ўзлаштирилди.

## Қурилиш ишлари

2019 йилнинг январь-мартида 11179,7 млрд. сўм ёки 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 105,9 % қурилиш ишлари бажарилди.

### Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати



Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги ҳудудларда кузатилди: Навоий вилоятида – 142,7 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 30,7 % пунктга кўпайди, Бухоро вилоятида 131,3% (54,7 % пункт), Сурхондарё вилоятида 125,5 % (33,3 % пункт) ва Фарғона вилоятида 121,6 % (9,8 % пункт) кўпайди.

## Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари

| | *Жами, млрд. сўм* | *шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да* | |
|---|---|---|---|
| | | *давлат* | *нодавлат* |
| **Ўзбекистон Республикаси** [1)] | **11 179,7** | **5,2** | **94,8** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 563,1 | 2,8 | 97,2 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 498,1 | 6,6 | 93,4 |
| Бухоро | 604,3 | 5,1 | 94,9 |
| Жиззах | 372,3 | 3,3 | 96,7 |
| Қашқадарё | 812,6 | 6,1 | 93,9 |
| Навоий | 611,3 | 21,6 | 78,4 |
| Наманган | 391,7 | 5,0 | 95,0 |
| Самарқанд | 587,7 | 11,4 | 88,6 |
| Сурхондарё | 502,9 | 1,7 | 98,3 |
| Сирдарё | 177,3 | 7,3 | 92,7 |
| Тошкент | 722,7 | 2,2 | 97,8 |
| Фарғона | 765,8 | 2,6 | 97,4 |
| Хоразм | 394,9 | 5,6 | 94,4 |
| Тошкент ш. | 2 158,8 | 6,6 | 93,4 |

1) *Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда*

Иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги қурилиш ишлари ҳажми 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 1,6 % пунктга камайди. Ўзбекистон Республикаси бўйича жами қурилиш ишлари нодавлат секторининг улуши 94,8 % ни ташкил этди, жумладан, Сурхондарё вилоятида – 98,3 % даражага етди, Наманган вилоятида– 95,0 %, Тошкент вилоятида – 97,8 %, Фарғона вилоятида– 97,4 %, Қорақалпоғистон Республикаси – 97,2 % ва Жиззах вилоятида – 96,7 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари**
*(млрд. сўм)*




Жами қурилиш ишларидан 79,7 % янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантириш ишларига тўғри келди, шунингдек, 20,3 % ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ташкил этди.

Ҳисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 8559,7 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 100,9 % ни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 1306,3 млрд. сўмни (ёки 133,9 % ни), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 1313,7 млрд. сўм (ёки 119,5 % ни) ташкил қилди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми

*(2019 йил январь-март учун, ҳудудлар кесимида)*

*(млрд. сўм)*

| | Қурилиш ишлари, хизматлар жами | шу жумладан иқтисодий фаолият турлари: | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Бино ва иншоотлар қурилиши | Фуқаролик қурилиши объектлари | Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари |
| **Ўзбекистон Республикаси[1)]** | **11 179,7** | **8 559,7** | **1 306,3** | **1 313,7** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 563,1 | 394,7 | 67,9 | 100,5 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 498,1 | 350 | 46,5 | 101,6 |
| Бухоро | 604,3 | 380,3 | 89,4 | 134,6 |
| Жиззах | 372,3 | 299,1 | 46,2 | 27 |
| Қашқадарё | 812,6 | 555,6 | 103,6 | 153,4 |
| Навоий | 611,3 | 487,9 | 55,3 | 68,1 |
| Наманган | 391,7 | 280,1 | 34,4 | 77,2 |
| Самарқанд | 587,7 | 433 | 84,2 | 70,5 |
| Сурхондарё | 502,9 | 343,7 | 124,6 | 34,6 |
| Сирдарё | 177,3 | 124 | 32,9 | 20,4 |
| Тошкент | 722,7 | 575,5 | 64,7 | 82,5 |
| Фарғона | 765,8 | 623,7 | 54,7 | 87,4 |
| Хоразм | 394,9 | 322,2 | 51,7 | 21,0 |
| Тошкент ш. | 2 158,8 | 1 373,7 | 450,2 | 334,9 |

Қурилиши ишларининг асосий қисми иқтисодиёт фаолият тури бўйича бино ва иншоотлар қурилишга тўғри келди, унинг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жами қурилиш ишлари ҳажмининг 76,6 % ни ташкил этиб, 3,6% пунктга камайди.

Иқтисодиёт фаолият тури фуқаролик қурилиши объектлари бўйича 11,7 % ни ташкил этди, ёки 2,4 % пунктга кўпайди, мос равишда ихтисослаштирилган қурилиш ишлари 11,7 % (ёки 1,2 %).